



«ТИҚХММИ» МТУ



Мелиорацияда илмий изланишлар услублари



Мелиорацияда илмий изланишлар услублари

Умумий үқув соати-120 соат

Шу жумладан:

Маъруза-30 соат (1-семестр)

Амалий машғулотлар-30 соат (1-семестр)

Мустақил таълим соати-60 соат (1-семестр)



Асосий адабиётлар

1.Ritzema H.P. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp. 1125.

2.Хамидов М.Х., Солиев Б.К., Мухамедов А.К. “Мелиорация ва сугорма дәхқончиликда илмий тадқиқот ишлари”. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТИМИ. 2008-176 бет.

3.Нурматов Ш.Н, Мирзажонов Қ.М. ва бошқалар. – “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”. Услубий қўлланма. Тошкент 2007 йил, 147- бет.

4.Эргашев С., Бекмирзаев И., Назаркулов У. “Қурғоқчилик ҳудудларида сув ресурсларини минимал сарфлайдиган ирригация ва мелиорация ҳамда қишлоқ хўжалиги юритиш усуллари бўйича” ҚЎЛЛАНМА. Қўлланма БМТ Тараккиёт Дастури, Глобал Экологик Жамғарма ва Ўзбекистон Ҳукуматининг “Қорақалпоғистон ва Қизилқум чўлларининг таназзулга учраган ерларида экотизим барқарорлигини таъминлаш” лойиҳаси доирасида тайёрланган. Тошкент-2012 йил.

5.Isaev S.X. va boshqalar. “Melioratsiyada ilmiy izlanishlar uslublari”. O‘quv qo‘llanma. Toshkent., TIQXMMI. 2019-212 bet.



Қўшимча адабиётлар

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016.-56 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлилий, қатъий таритиб- интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -104 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фарповонлигини гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -486.

9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017. «Газета. Uz».

10. Суғориладиган шароитда дала ва лабораторияда паҳтачилик соҳасида ўтказиладиган тажрибалар методикаси. Услубий қўлланма. Тошкент, 1962 йил, 159-бет.

11.Рахимбоев Ф.М., Дарибоев Ю. Илмий тадқиқот асослари. Маъruzalар тўплами. Тошкент. 2001 йил.

12.Исадаев А. Илмий тадқиқот асослари. Услубий кўрсатма. Тошкент, ТИКХМИИ 2001йил.

13.Доспехов Б.А. “Методика полевого опыта”. Учебник. Изд-во 11. –М. Агропромиздат, 1979.

Интернет сайлари

14. www.gov.uz. - Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

15. www.lex.uz.-Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

16. www.Ziyo.net.

17. www.cawater-info.net.

18. rubricon.com.

19. oldbooks.ru.

20. cgiar.org.

21. sic.icwc-aral.uz.



**Маъруза: Мавзу: “Мелиорацияда илмий
изланишлар услублари” фанига кириш.
Фаннинг мақсад ва вазифалари.**



РЕЖА:

- 1.“Мелиорацияда илмий изланишлар услублари” фанига кириш.
- 2.МИИУ фанини ўрганишдан мақсад.
- 3.Фаннинг мақсад ва вазифалари.



“Мелиорацияда илмий изланишлар услублари” фанига кириш.

Халқ хўжалигини ривожлантириш ва мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ва ўсиб бораётган талабларини қондиришнинг асосий йўли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама механизациялаш, фан ютуқлари ва илғор тажрибалар асосида қишлоқ хўжалигини барча соҳаларини юксалтириш, ҳосилдорликни ошириш ва меҳнат ҳамда маблағ сарфлашни ҳар томонлама тежаш орқали маҳсулот ишлаб чиқарашни кўпайтиришдан иборат бўлмоғи лозим.



Мелиорацияда илмий изланишлар услублари фани қишлоқ хўжалик экинларидан юкори ва мўл ҳосил олиш, ҳосил сифатини яхшилашнинг назарий асосларини яратиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса доимий равишда илмий билимларни ошириб бориш зарур. Илмий билимлар, бу ўсимликни қандай мақсадга, маҳсулотнинг сифатини ижобий ўзгариш учун ўстиришни қандай ўзгартириш лозимлигини билиш керак. Ўсимликни талабига қараб ўғит, сув, ва бошқа зарур элементларни бериш, атроф муҳит омилларининг таъсирини тўғри белгилаш ва баҳолаш лозим. Буларнинг ҳаммаси илмий тадкиқот ишлари натижасида эришилади. Маданий экинлар биологияси, ўстириш усуллари, ҳосилдорлигини ошириш учун янги имкониятлар яратиш буларнинг ҳаммасини илмий текшириш асослари фани ўрганади.



Шундай катта ҳажмдаги изланишларни олиб бориш учун илмий текшириш асослари фани аниқ фанларга таяниб иш кўради, жумладан *кимё*-тупроқнинг агрокимёвий таркиби, ҳар хил кимёвий анализлар, ўғитлар, ўстириш регуляторлари, пестицидлар ва ҳ.к; *математика* - ҳар хил математик ишланмалар, статистик таҳлиллар, ўртacha қиймат ва ҳ.к; *физика* -тажриба қўйиш техникаси, ўлчамлари, майдоннинг шакли, пайкални гектарнинг қанча қисмида жойлашганлиги ва ҳ.к; *ўсимликлар физиологияси* -ўсимликлар кузатилгандаги ўзгаришлар, транспирация, фотосинтез, гуллаш, гулнинг очилиши, ҳосил элементларининг шаклланиши ва тўқилиши, умуман ўсимликни ўсиши, ривожланиши билан боғлик бўлган барча қонуниятлар.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси маълум усуллар ёрдамида амалга оширилади. Булар: лаборатория анализлари усуллари, вегетацион тажрибалар, лизиметрик тажрибалар, дала тажрибалари. Булардан илмий агрономия учун энг муҳими дала шароитидаги тажрибалар хисобланади.



Қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир тажриба ўзининг соҳаси ички спецификасига биноан маълум бир тажриба олиб бориш услубиятлари билан ҳам фарқланади. Масалан, қишлоқ хўжалиги экинларининг маълум бир тури хосилдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган тажриба бўлса, албатта у қишлоқ хўжалиги амалиётига яқин бўлган дала шароитида, маълум бир илмий муассасанинг дала тажриба участкасида ўтказилади. Агар режалаштирилаётган тажриба бутунлай ишлаб чиқариш амалиётига тегишли бўлса, у бошқа бир шу соҳага яқинроқ илмий тадқиқот муассасасининг экспериментал хўжалигига ўша хўжалик экин алмашинуви, оралиқ экинлари тизими ва агротехникаси асосида амалга оширилади, чунки бу хилдаги илмий институтлар тажриба натижаларини ишлаб чиқаришга, тупроқ шароитига мос ҳолда жорий қилиш билан шуғулланадилар, қишлоқ хўжалиги фанлари ичida ўсимликлар янги навларини яратиш яъни, селекция билан бошқа бир илмий институтлар шуғулланадилар. Уларнинг тасарруфига: ўсимлик турлари, хиллари, уруғлар архиви, ноёб турларини тиклаш, гибридизация (дурагайлаш), гетерозисни бошқариш (полиплоидия) ва сунъий мутагенез каби ички соҳа муаммоларини ўрганиш бўлимларига ажralиб кетадилар. Ўз навбатида ҳар бир бу соҳалар ўзлари олдида тўрган муаммоларни ечиш учун изланишларни дала-лаборатория-сунъий иқлим хоналари ва стендлар шароитида олиб борадилар. Олинган тажриба миқдорий ашёларни ҳар хил ўз услубиятларида ишлов берадилар. Булар ичida дала шароитига яқин тажрибалар натижаси статистик ишлов бериш учун дисперсион таҳлил қилинади. Бу таҳлил натижасида тажрибанинг ишончлилик даражаси ўрнатилади.



Мелиорацияда илмий изланишлар услублари фанини үрганишдан мақсад

“Мелиорацияда илмий изланишлар услублари” фанининг асосий мақсади бўлажак магистрнинг малакавий фаолияти объектлари турлари (илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик) ва унинг тайёргарлигига қўйиладиган малакавий талаблардан келиб чиқиб, бўлажак магистрларда гидромелиоратив тизимларнинг назарий ва амалий асослари, лойиха-қидирув, эксплуатация ва таъмирлаш ишларидағи илмий тадқиқот ва қидирув ишлари ва уларга ишлов бериш усуллари бўйича билим, қўникма ва малака шакллантиришdir.



Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фаннинг мақсади - магистрларда дала тажрибаларини қўйишдан олдинги тупроқ сув намуналарини олиш, шунингдек сизот сувлар сатҳини ўлчашни аниқлаш, экинларни парваришилаш агротадбирларини агротехник йўналишдаги тажриба далаларидан пахта-ғалла (дон) намуналарини олиш, уларни тола-дон хусусиятлари ва сифатини аниқлаш, эрозияга учраган тупроқлар шароитида тажрибалар ўтказиш услублари, шамол эрозиясининг давомийлигини башорат қилишда ЭҲМ ва математик услублардан фойдаланишни аниқлашдан иборат.



Фан бўйича магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади.

- дала тажрибаси бўйича умумий қоидалар, дала тажрибаларида фенологик кузатувлар ва турли ҳисобкитоблар, тупроққа ишлов бериш бўйича дала тажрибалари, экиш усуллари бўйича тажрибаларни ўtkазиш хусусиятлари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши;*
- тажриба ўtkазишда тупроқ хусусиятларини ҳисобга олишини, эрозияланган тупроқларда дала тажрибаларини ўtkазиш хусусиятларини, ўғитлар билан бажариладиган тажрибаларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*



- шамол эрозияси давомийлигини башорат қилиш учун компьютер технологияларини ва математик услублардан фойдаланиш, лизиметрик тажрибалар ёрдамида ер ости сувларининг тупроқдан буғланиш ва ўсимликлардан транспирацияга сарфини аниқлаш, илмий - тадқиқот ишларини олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши керак;
- суғориш тармоқларида ҳамда экин даласига берилаётган сув сарфларини аниқлаш, сув ўлчаш қурилмалари (Чиполетти ва Томсон сув ўлчагичлари) дан фойдаланиш, мавсумий ва суғориш меъёрларини ҳисоблашни ташкил этиш малакаларига эга бўлиши керак.



Мавзу бўйича назорат саволлари

- 1.“Мелиорацияда илмий изланишлар услублари” фанини ўрганишдан мақсад?
- 2.“Мелиорацияда илмий изланишлар услублари” фанининг мақсад ва вазифалари?
- 3.Фан бўйича магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қандай талаблар қўйилади.
- 4.“Мелиорацияда илмий изланишлар услублари” фани қайси соҳаларда қўлланиши мумкин?



«ТИҚХММИ» МТУ



**Эътиборингиз
учун раҳмат!**